Ушбу сонда:
2 КАСАБА УЮШМАЛАРИ: У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?
3 TV — ДАСТУРИ
4 Болалар спорти ЖИСМОНИЙ СОҒЛОМ, РУҲИЙ ЕТУК

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 8 ноябр, жума №176 (1393)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ФАХРИЙЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, Аргентинанинг Вилла Мария шаҳрида пауэрлифтинг бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда 23 мамлакат спортчилари қаторида икки нафар вакилимиз ҳам қатнашди.

Тик туриб, ўтириб ва ётиб штанга кўтариш баҳсларида Александр Лузанов 100 килограмм вазн тоифасида учта кумуш медалга сазовор бўлди. Яна бир вакилимиз - Лаврентий Матинян эса вазни 125 килограмм бўлган полвонлар орасида тўртта кумуш медални қўлга киритди.

(ЎзА).

*2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили*

## ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА ЭЪТИБОР

***Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитасида Президентимиз Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида қарияларни ижтимоий муҳофаза қилишга оид талабларнинг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда кекса авлод вакилларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини таъминлаш борасида Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, «Нуроний» ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармалари томонидан олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.***

*Мазкур қўмита раиси Азамат Зиё бошқарган йиғилишда таъкидландики, қабул қилинаётган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда барча аҳоли, жумладан, кекса авлод вакиллари ҳамда ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Жумладан, қарияларнинг пенсия таъминоти, ижтимоий муҳофазаси, уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган ўнлаб қонунлар ишлаб турибди.*

*«Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурини ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир. Дастурда юртимизда истиқомат қилаётган уч миллион нафардан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийси, ногиронлар, ёлғиз кексаларни кучли ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар аниқ белгиланган бўлиб, ўтган давр мобайнида давлат ва нодавлат ташкилотлар, хайрия жамғармалари бу борада талай хайрли ишларни бажарди.*

*Афсуски, бу борадаги ишлар барча жойларда ҳам кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган. Айрим ташкилотларда давлат дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижроси бўйича етарлича иш олиб борилмаяпти. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронларни белгиланган тартибда имтиёзли дори-дармонлар билан таъминлаш, пенсионерларга нафақаларини ўз вақтида етказиб беришда камчиликларга йўл қўйилмоқда.*

*Йиғилишда бундай камчиликларни кечиктирмай бартараф этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.*

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**







«Охунбобоев» ширкат хўжалиги Навбаҳор туманидаги пахтачиликка ихтисослашган хўжаликлардан бири ҳисобланади. Шу боис хўжалик жамоаси пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан олиб бориб, туман хирмонига муносиб улуш қўшишмоқда.

**Суратларда: илғор теримчилар Мавлуда ва Сакина Назаровалар; (ўртадаги суратда) ширкат хўжалиги раҳбари Ориф Курбонов теримчилар билан суҳбатда.**

**С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ФАОЛ ФУҚАРО - ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимиз фуқароларининг давлатимиз ички ва ташқи сиёсатидан хабардорлиги даражасини ҳар қачонгидан кўра юксак даражага кўтариш даврнинг муҳим талаби бўлиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга ошириш ҳам шуни тақозо этади.

Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани ҳокимлигида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда ўтказилган фаоллар йиғилишида шу масала атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президент маърузаси мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламлари орасида тушунтириш, белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни бажаришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш барчанинг бурчи эканлигини таъкидлади.

## АНГРЕН МАКТАБЛАРИ ҚИШГА ТАЙЁР

Ангрен шаҳрида таълим муассасаларини қиш мавсумига тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

- Мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларини таъмирлаш, иссиқлик тизимини созлаш ишларини барвақт бошлаган эдик, - дейди шаҳар халқ таълими бўлими мудири Т.Султонов. - 3 та мактаб, 5 та боғча тубдан таъмирдан чиқарилди. Учта мактабдаги қозонхоналар таъмирланди. Барча мактаблар томи чакка ўтмайдиган қилиб қайта ёпилди. Кўмир билан ишлайдиган қозонхоналар учун минг тонна қаттиқ ёқилғи жамғариб қўйилди.

Таълим муассасаларини қиш мавсумига ҳозирлашда шаҳар ҳокимлиги, «Саноатқалинқоғоз» ҳиссадорлик жамияти, «Ангренгазмаш», «Каолин», Ангрен ГРЭСи, Ангрен кўмир кони, «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тоғкон ускуналарини таъмирлаш ҳиссадорлик жамияти ҳомийлик ёрдамини аямади.

Шаҳарда 46 та ўрта умумтаълим мактаби, 47 та мактабгача тарбия муассасаси бўлиб, улар ўттиз мингдан ортиқ ўқувчи, 51 минг тарбияланувчини ўз бағрига олган. Ана шу муассасалардаги ошхона жиҳозларини таъмирлашнинг ўзига бир ярим миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Мактабгача тарбия муассасаларига салкам ўн бир миллион сўмлик ётоқхона мебели олиб берилди.

## СИФАТ УЧУН «РИЦАРЛАР БИЛЛУРИ»

*Хабарлар оқимидан*

Сўфи қишлоқ пахта тозалаш заводи акциядорлик жамияти музейи яна бир ноёб экспонат билан бойиди. Шу кунларда корхона раҳбари Малта давлатидан «Рицарлар биллури» совринини олиб қайтди. Ушбу мукофот Жалолқудуқ тумани Охунбобоев шаҳридан шу йилги ҳосилдан олиниб, экспорт қилинган тола сифати учун берилди.

- Жорий мавсумда биз ширкат ва фермер хўжаликларидан 27 минг тонна пахта қабул қилдик, - деди корхона раҳбари Авазбек Маниёзов «Туркистон-пресс» мухбирига. – Унинг 7 минг тоннаси қайта ишланиб, юқори сифатли тола Англия, Белгия, Швейцария ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинди.

## ТАДБИРКОР ГУЗАР ҚУРДИ

Олтинкўл туманидаги «Ҳақиқат» ширкат хўжалигида «Хонбоғи» гузари ишга тушди.

Гузардаги ёшлар кафесида дам олиш, мусиқа тинглаш ва ҳар хил турдаги музқаймоқлар тановул қилиш мумкин. Чойхона, савдо расталари, нонвойхона ва устахона хўжалик аҳолиси хизматида.

Буларнинг барчаси шу ерлик тадбиркор Маъмур ҳожи Жўраевнинг маблағи ҳисобига қурилди. Тадбиркорнинг бу ишларида ширкат хўжалиги бошқаруви, шунингдек бошқа тадбиркор усталар ҳам кўмаклашди.

**ЎзА,**
**«Туркистон-пресс» ва**
**«Ишонч» мухбирлари.**

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### САЙЛОВЛАРДАН САЙЛОВЛАРГА

АҚШда губернаторлар сайлови ўтказиш таомили ҳам бор. Яқинда ана шундай овоз беришда республикачилар партияси вакиллари ғалаба қилдилар. Мазкур партия аъзоларидан иборат жойлардаги губернаторлар ўз лавозимларини деярли тўлиқ сақлаб қолдилар. Шундай қилиб мазкур партия айни пайтда Конгрессда ҳам, Сенатда ҳам устунликка эришди. Бу жараён билан баробар равишда оралиқ сайловлари ҳам бошланди. Унинг натижаси вакиллар палатаси ва Сенат фаолиятига жиддий равишда таъсир кўрсатади. Ўз навбатида бу ҳолат икки йилдан сўнг бўладиган президентлик сайловларига пойдевор қўйиши мумкин.

### СОҚЧИЛИК — ХАВФЛИ КАСБ

Тинчлик ва осойишталик бўлмаган ерда кутилмаганда фалокат юз бериши мумкин. Зеро, ҳукумат идоралари ва уларнинг раҳбарларини муҳофаза қилиш катта аҳамиятга молик тадбирлар сирасига киради. Бу ишга италиялик турли соҳа мутахассислари ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Жумладан, улар 600 нафар афғонистонликларни хавфли ва қийин ҳисобланган соқчилик касбига ўргатдилар. Улар энди вазирлар ва бошқа юқори мартабали шахслар ҳаётини сақлаш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

### МОНЕЪЛИК ҚИЛГАН ЭДИЛАР

Мексикада икки нафар юқори мартабали генерал устидан суд бошланди. Улар гиёҳфурушларнинг бошлиқлари билан алоқа қилишликда айбланмоқдалар. Генераллар – Франсиско Куирос ва Марко Артуро Акостослар кокаин ва марихуана етказиб берувчи кимсаларга нисбатан қўлга тушириш операцияларини ўтказишга атайлаб монеълик қилганлар. Суд генералларни жавобгар, деб топса, уларнинг ҳар бири 40 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этилиши мумкин.

### «ДЕНГИЗ СУЗУВЧИСИ» СУВГА ТУШИРИЛДИ

Яқинда Олмонияда «Денгиз сузувчиси» деб аталган энг катта кема сувга туширилди. У узоқ муддатли денгиз сафарларига мўлжалланган бўлиб, мустақил равишда юриш учун барча имкониятларга эга. «Денгиз сузувчиси»нинг узунлиги 311 метр, кенглиги 48 метрдир. Хизматкор ходимлар 1181 кишини ташкил этади. Кемада бир нечта томоша майдонлари, учта чўмилиш ҳавзаси, қишки боғ, ўн тўртта ресторан ва кафелар бор. У бир йўла 3114 нафар йўловчини қабул қилиши мумкин.

### ҲЕЧДАН КЎРА...

Автралиялик Рон Фитч деган киши яқинда техника фанлари бўйича докторлик диссертациясини ёқлади. Нима бўпти, деб ўйларсиз. Гап шундаки, янги олим ҳозир 92 ёшда. 30-йилларда бакалавр, 1949 йилда магистр унвонига сазовор бўлган йигит алқисса орзусига эришди. У темир йўллар вазирлигида ишлаганида ҳам, Буюк Британия ордени билан тақдирланганда ҳам илмий изланишларини тўхтатмади. «Илм билан саломатлик эгизак, - дейди отахон, - мен ҳар куни уч километр масофаға югураман, сув муолажалари оламан. Энг қизиғи, бошимда тиралиб ўн дақиқа тураман».

### ТАЙЁРАГОҲГА ОЗ ҚОЛГАНДА

Люксембург шаҳрининг Финдел тайёрагоҳи яқинида йўловчилар самолёти ҳалокатга учради. Унинг ичида келаётган 19 кишининг 17 нафари нобуд бўлган, деб ҳисобланмоқда. «Luxair» авиакомпаниясига қарашли самолётни бошқарган уч нафар учувчилар ҳам қурбон бўлдилар. Берлин шаҳридан парвоз қилган самолёт кучли туман оқибатида тайёрагоҳга оз қолганда ноилож қўнишга мажбур бўлган эди.

*«Ишонч» фош этади*

# ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАГА КЎЗ ОЛАЙТИРГАНЛАР

***Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили Давлат Дастури тўғрисида»ги қарори асосида Сирдарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ҳудудда истиқомат қилаётган 48 385 нафар кексаларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиб келинмоқда. Натижада дастур доирасида нуронийлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришда бир қатор ютуқларга эришилди.***

Шуни айтиш керакки, инсон учун, айниқса, қариялар учун энг қадрли неъмат саломатликдир. Ёши бир жойга борганда бу ҳикматни кўпроқ англаб етаркан, киши. Шу боис давлат дастурида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозиргача вилоятда барча қариялар тиббий кўрикдан ўтказилди. Шифохоналарда, ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида, махсус — неврология, кардиология, офтолмология бўлимларида жами 205 ўринли жой ташкил этилган эди. Бу тадбирга қўшимча шифохоналарда даволанган кексалар 14,3 миллион сўмлик дори-дармонлар билан таъминландилар. 1795 нафар қарияга маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари томонидан 1,4 миллион сўмлик имтиёзли хизмат кўрсатилди.

Қилинган яхши ишлар ўзимизники. Аммо, айрим мутасадди ташкилотлар, раҳбар ва масъул шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндошаётганлиги оқибатида юқоридаги қарор талабларини бажаришда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами — пенсия ва нафақахўрларни ҳимоялаш, давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни вақтида уларга етказиб бериш хизмат идоралари ходимларининг бурчидир. Аммо, «Сирдарё почта» акциядорлик жамиятининг Гулистон туман филиалида текшириш ўтказилганида жорий йилнинг август ойи учун пенсионерларга 513 минг сўм пенсия пуллари ўз вақтида етказиб берилмаганлиги аниқланди. Прокуратура аралашувидан сўнг туман пахта банки бошқарувчиси Г.Эшонхонов, почта бўлими бошлиғи Э.Аҳмедовларга нисбатан ҳуқуқбузарликка оид интизомий иш қўзғатилди. Тўланмай қолган маблағлар эгаларига етказиб берилди.

Бу ишлар ҳолва. Қинғир ишнинг қизиғини энди эшитинг. Туман почта бўлимида пенсия пулларини тарқатиш пайтида пенсионерлар ҳақидан чегириб қолиш, турли хилдаги маҳсулотлар, уй-рўзғор буюмларини мажбурий равишда қўшиб бериш каби хуник одатлар илдиз отди. Чунончи, «Қизил тонг» алоқа бўлими бошлиғи Н.Абдурашидова «Уч қаҳрамон» ширкат хўжалигида яшовчи Маҳкам Бийбалиев ва унинг рафиқаси Холқизлар Бийбалиевага ойлик нафақа ҳисобидан 500 сўмга 2 қути гугурт, 1000 сўмга 4 дона хўжалик совуни берган. Устига устак қарияларга 2 нусха «Ишонч» газетасини 500 сўмга пуллаган. Н.Абдурашидова жавобгарлигидаги моддий-товар бойликлар ҳисобдан ўтказилганда 10 556 сўмлик ортиқча маҳсулотлар мавжудлиги аниқланди.

Инсофу-диёнатни унутган айрим почта ходимлари эса юқорининг топшириғи деган ниқоб остида кекса ва ногиронларни лақиллатиш йўли билан одамларнинг қонуний пулларига чангал солмоқдалар. Гулистон туман почта бўлимининг ходими М.Черевко моддий жавобгарлигида бўлган идора моллари қолдиғида 2 дона тақвим, 44 дона откритка, 14 дона иш журнали, 200 дона конверт, 6,4 килограмм қоғоз, хуллас, жами 53 641 сўмлик камомадга йўл қўйган. Текшириш давомида зарар ихтиёрий равишда ундирилди.

Почта тизимидаги бундай бемазагарчиликлар Гулистон туманидагина эмас, Шароф Рашидов туманининг Шароф Рашидов номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси ҳудудидаги «Гулзор» почта-алоқа бўлими фаолиятида ҳам бор экан. Бўлим мудираси Мавжуда Ҳалилова томонидан пенсионерлар пулларидан чегириб қолиш ҳисобига хўжалик совуни, шампун, гугурт, марка, конверт ва бошқа ашёлар мажбурий тарзда тарқатиб келинган. Энди М.Ҳалилова қонун олдида жавоб беради.

Бир тасаввур қилинг, мунқиллаган кекса ёки ногирон қошида почта ходимининг кўзини лўқ қилиб, шу матоҳни олсанг ҳам оласан, олмасанг ҳам оласан деб тиҳирлик қилиб туриши инсофданми?! Афсуски, тизимда бундай виждонсизликлар кўпайиб, кексаларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Пенсия ва нафақаларнинг вақтида тўланишини таъминлашда банк ходимлари ҳам масъулиятсизликка йўл қўйишяпти. «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банкининг Сирдарё туман бўлими 9 миллион сўмлик нақд пулларни туман почта бўлимига пенсия пули сифатида ажратиш чораларини кўрмаган. Банк мутасаддиларининг хатти-ҳаракатлари Вазирлар Маҳкамаси қарорига зид бўлганлиги боис бошқарувчи Аловуддин Рўзимбоевга нисбатан ҳуқуқбузарлик бўйича интизомий иш қўзғатилди.

Сайхунобод туманида яшовчи ногиронлар Шаҳло Ҳатамова ва Гулшода Жўраевалар ногиронлик нафақаси тайинланишини узоқ кутдилар. Текширишда эса ижтимоий таъминот бўлими бош ҳисобчиси А.Қодиров ва ҳисобчи К.Кубаевлар ҳеч бир асоссиз ногиронларнинг бир ой мобайнида сарсон-саргардон бўлишларига сабабчи бўлганликлари очилиб қолди.

Кексалар ва ногиронлар ҳамиша давлатимиз эътиборида, халқимиз оғушида. Уларга меҳр кўргазиш ҳам қарз, ҳам фарз. Аммо инсонийликка ҳам, қонунчиликка ҳам тўғри келмайдиган юқоридаги ҳолатлар кечириб бўлмас гуноҳдир. Бундан тегишли идоралар мутасаддилари ўзларига яраша хулоса чиқариб оладилар, деб умид қиламиз.

**Муҳаммад БЕКМУРЗЕВ,**
**Сирдарё вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими прокурори.**

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига*

# 2. МЎЪТАБАР ҚОМУС

Конституциямиз жаҳон андозаларининг энг юқори талабларига тўла жавоб беради, шу боис у демократия ғояларига ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослиги жиҳатидан энг мукаммал конституциялар қаторидан ўрин олди. Унда халқчиллик, инсонпарварлик, тенглик, одиллик тамойилларига алоҳида эътибор берилган. БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда қабул қилган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, 1966 йил 19 декабрда тузилган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва бошқа эътироф этилган ўттиздан зиёд энг муҳим қоидалар ўз ифодасини топган. Бу жиҳатдан Асосий Қонунимиз бир қанча халқаро ташкилотлар, ажнабий давлатлар ва атоқли ҳуқуқшунос, сиёсатшунослар томонидан юксак баҳоланди. Бунинг боиси, даставвал, шундаки, Конституциямизда инсоннинг асосий ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчлари батафсил баён этилган.

Конституциямизнинг муқаддимасидаги дастлабки сўзлар инсон ҳуқуқларига ва айни вақтда давлат суверенитети ғояларига содиқликдан бошланади. Бунинг боиси шундаки, ҳар бир инсон ва ҳар бир давлат даставвал мустақил бўлмоғи ва ўз тақдирини ўзи белгиламоғи лозим. Маълумки, инсон ҳам, давлат ҳам ҳамиша фаровонликка, тинчлик, ҳамжамиятлик ва ўзаро ҳамкорликка, миллий тотувликка интилади. Конституциямизнинг туб моҳияти давлатнинг ҳар бир одам ҳақида ғамхўрлиги, унинг ҳаёти фаровон бўлиши, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатлари чинакам олий қадрият эканлигини таъминлашдан иборат.

Конституция ана шу ижтимоий вазифаларни амалга оширишда дастур сифатида ҳам хизмат қилади. Унда энг муҳим ижтимоий тартиб-қоидалар, ҳуқуқ ва ваколатлар билан бир қаторда асосий талаблар, бурч ва мажбуриятлар ҳам белгиланган. Конституцияда баён қилинган ҳуқуқ ва ваколатлар ҳеч чекланиши мумкин эмас, ва аксинча, унда назарда тутилган бурч ва мажбуриятларни кенгайтиришга йўл қўйилмайди. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат Конституция меъёрлари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Конституциялар, одатда, энг асосий, кенг қамровли ва туб маъноли қоидаларни ўзида жамлаши, тили пухта, мантиқли, тизимли, ибратли, қайтариқсиз бўлиши талаб қилинади. Конституциямизнинг матнига бу сифатлар хос. Унинг ҳар бир моддасида олам-олам, чуқур маънолар акс эттирилган. Масалан, 17-моддада Ўзбекистон халқаро муносабатлар субъекти экани мустаҳкамланиб, ташқи сиёсат юритишга оид қуйидаги принциплар ўз аксини топган: давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиши, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва меъёрларига асосланиш, давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, шу мақсадда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш ва улардан ажралиб чиқиш эркинлиги.

Конституциявий моддаларнинг деярли ҳар учтасидан бири унда баён қилинган масала бўйича тегишли қонунлар қабул қилинишини тақозо қилади. Конституцияга асосланган ва унинг талабларига тўла ҳамоҳанг бўлган қонун чиқариш жараёни жадал давом этмоқда. Ҳаётимизнинг барча асосий соҳаларига оид ҳозиргача уч юздан зиёд қонунлар қабул қилинди. Айни вақтда уларнинг баъзиларига ҳаёт тақозо қилаётган қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда, улардаги қоидалар тобора бойитилиб, аниқлаштирилмоқда. Шу кунларда ҳам тегишли давлат органлари, жамоат бирлашмалари, амалиёт ва илм-фан ходимлари томонидан ўнлаб қонун лойиҳалари тайёрланмоқда ва муҳокама қилинмоқда.

Қонунлар қабул қилинсаю, амалга оширилмаса, барча интилишларимиз бесамар қолаверади. Қонунлардан фойдаланиш учун уларни даставвал билиш ва қадрлаш лозим. Бу ҳақда юртбошимиз такрор-такрор уқтирганлар. Жумладан, 1997 йил май ойида бир гуруҳ ҳуқуқшунослар билан бўлган суҳбатда муҳтарам Президентимиз қонунни кенг омма ўртасида тарғиб қилиш заруриятига яна бир бор эътиборимизни қаратдилар. Шу учрашувнинг маҳсули тарзида 1997 йил 25 июнида қабул қилган фармонларида Президентимиз ҳуқуқий маърифат тарғиботи давлат сиёсатнинг муҳим йўналиши ҳисобланиши ва бу иш ҳар бир ҳуқуқшуноснинг бурчи эканлигига алоҳида урғу бердилар. Фармонга биноан Республика ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази тузилдики, бундай ҳуқуқий саводхонликка алоҳида ғамхўрлик бирор мамлакатда бўлмаган.

Ўша йили август ойида бўлган Олий Мажлис сессиясида бу вазифанинг янада муҳимлигини инобатга олиб, «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қабул қилинди. Уни бажариш доимо ҳамманинг диққат марказида, бу ҳақдаги масалалар Олий Мажлис қўмиталари томонидан бир неча марта текширилиб, муҳокама қилинди.

Барча қонунларимиз матбуотда эълон қилинганидан ташқари тўплам тарзида ҳам чоп этилмоқда. Уларга илмий-амалий шарҳ бериш одат тусига кириб қолди. Ҳуқуқий маърифат оммабоп рисолалар воситасида ҳам тарғиб қилинмоқда.

Ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази тарғиботни барча туман ва шаҳарларда, турли тоифа аҳоли талаблари ва истакларига мос маърузалар, давра суҳбатлари ва учрашувлар тарзида мутассил олиб боришни йўлга қўйган. Чунки тажриба шундан дарак берадики, баъзи муаммолар ва ноўрин хатти-ҳаракатлар қонунни чуқур билмасликдан келиб чиқади.

Ҳуқуқий маънавият бош мавзу сифатида Конституцияшуносликдан бошланади. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маънавият ва ҳуқуқий маданиятнинг сарчашмаси Конституциядан иборатдир. Шу боис, Президентимиз янги асрнинг бошида берган фармойиши Конституцияни ўрганишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади.

Конституция озод ватанимизнинг демократик тизимини ифодаловчи мўътабар қомус ва айни вақтда уни обод қилиш йўлидаги вазифаларни ҳам акс эттирувчи буюк дастурдир. Уни билиш, унинг талабларига риоя этиш мамлакатимизни бошқа илғор давлатлар қаторида тенг ривожлантиришнинг гаровидир.

**Ғ.АБДУМАЖИДОВ,**
**Республика ҳуқуқий маърифат тарғибот Маркази директори, профессор.**





Оқдарё туманидаги «Янгиқўрғонпахта» ҳиссадорлик жамияти 19 минг 500 тонна пахта ҳосилини қайта ишлашни режалаштирган. Ҳозиргача жамият ишчилари 400 тонна толани Белгия, Италия, Германия ва Швейцария давлатларига жўнатдилар.

**Суратларда: товаршунослар Ҳакимжон Саъдуллаев ва Мўминжон Тўраев; корхонада кеча-кундуз иш қизғин.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Қаторда норинг бўлса...*

# ЯХШИ КАЙФИЯТ УЛАШИБ

Мана бир ойдан ошибдики, Термиз давлат университети талабалари Музработ тумани хўжаликларида пахта ҳосилини нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга яқиндан ёрдам бермоқда.

Мазкур билим даргоҳининг чет тиллари факултети талабалари ҳам бу шарафли ишда ўзларининг муносиб улушини қўшишмоқда. Улар «Туркистон» ширкат хўжалигининг Чўлқувар қишлоғи далаларида ҳар куни 5-6 тоннадан пахта теришмоқда, Сайёра Чориева, Санжар Исломов, Татьяна Щебликина, Муҳаббат Худойқулова, Фароғат Раҳмонова каби талабалар мавсум бошидан буён 3-5 тоннагача пахта йиғиб теришга улгурдилар. Талаба-ҳашарчиларнинг меҳнат қилиш ҳамда дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Талабаларнинг иш ҳақлари ҳар беш кунда бериб борилмоқда.

Ҳашарчиларнинг ишдан кейин зерикмаслиги учун факултет штаби турли-туман кўнгилочар тадбирлар уюштирмоқда. Ана шулардан бири– «Ўқитувчилар ва устозлар куни» касб байрами бўлиб, у муносиб тарзда нишонланди. «Қувноқлар ва зукколар», «Ўзбекистон–Ватаним маним», кўрик танловлари нафақат талабаларда, балки «Қаҳрамон» маҳалласида истиқомат қиладиган аҳоли ўртасида ҳам зўр таассурот қолдирди. Бу тадбирлар талабаларга юқори кайфият улашиб, меҳнат унумдорлигининг ошишига хизмат қилди.

Бундан ташқари яқинда мазкур олий ўқув юрти талабалари ҳузурига, республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшма марказий қўмитасининг бир гуруҳ ходимлари ташриф буюриб, маданий тадбир ўтказиб қайтишди.

«Давра суҳбати» тарзида ўтган учрашувда касаба қўмита вакиллари Й.Аҳмедов, Г.Парпиева, ТерДУ проректори Ҳ.Дўстёрова, ширкат хўжалиги раҳбари Файзулло Алимовлар иштирок этиб, ҳашарчи талабаларнинг меҳнат шароитлари билан қизиқдилар. Тадбир сўнгида тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси, университет маъмуриятининг қимматбаҳо совғалари ўз эгаларига топширилди. Учрашув йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Поён БАКИРОВ,**
**ТерДУ касаба уюшма қўмитаси раиси.**

# БАҲОРИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ

«Очил дастурхон» фермер хўжалиги ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да, жамоа аъзолари ўзларини ўнглаб олдилар. Баҳористон туманидаги Қодир Абдуллаев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигида ишчиларнинг меҳнатга бўлаётган муносабатлари яхшиланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигига эришаётир.

Қодир Абдуллаев бундан бир неча йил муқаддам туғилиб ўсган қишлоғи «Лангар»да янги ерларни ўзлаштириш учун чўлга кўчиб келган. Асли касби ўқитувчи бўлган Қодир бир фурсат қишлоғида муаллимлик қилди. Тенгқурлари билан фермерликни ихтиёр этиб чакки қилмаганлигини тушунди.

Фермер хўжалигида 23 нафар ишчи меҳнат қилади. 4 гектар ерга деҳқончилик қилиб, 18 гектар ерда пахта, 23 гектарида ғалла етиштирди. Ҳар гектар ердан 45 центнердан дон йиғиштириб олиб, анчагина даромад кўришди. Эрта баҳорда қилинган самарали меҳнат ўз натижасини кўрсатди. Гектаридан 40 центнердан пахта йиғиштириб, туман фермерлари орасида шартномавий режасини биринчилардан бўлиб уддалади. Даромад ҳам шунга яраша бўлди.



Фермерлар фидокорона меҳнатлари эвазига яхши яшаб, мазмунли ҳаёт кечиришаётир. Орттирилган фойда эса ўртада.

«Қашқадарё» фермер хўжалиги раҳбари Алишер Пўлатов ҳам ерга эгалик ҳисси кучайгандан кейин меҳнатга муносабати ўзгарди. Биргина ғаллачиликнинг ўзидан 1 миллион 200 минг сўм фойда кўрган фермер пахта тайёрлаш шартномавий режасини биринчилар қаторида уддалади.

«Саховат», «Бахт», «Янги турмуш» фермер хўжаликлари янгиланиш йўлидан бориб, яратувчилик ишларига баҳоли-қудрат ҳисса қўшаётирлар.

**НУРБЕК.**

# «БЎСТОН» ЧИРОЙИ

Тошкент шаҳридан 30 км нарида Зах канали ёнида жойлашган «Бўстон» санаторийсига киришингиз билан ям-яшил арчазор-у, гулзор ва фаввораларга кўзингиз тушади. Ўзбекона жиҳозланган 20га яқин сўри, арғимчоқли ўриндиқлар, товуслар диққатингизни тортади. Ҳудуддаги 20 гектарли боғда ҳар хил мевали, манзарали дарахтлар ва баҳайбат чинорларни кўриб завқингиз келади. Санаторийнинг асосий қисмини 300 ўринга мўлжалланган ётоқхона, 350 ўринли ошхона, ёзги ва қишки клуб, кутубхона, теннис корти ташкил этади. Сув билан даволаш корпусига кираверишингизда сайроқи қушлар овози ҳаёлларингизни олиб қочиб, чарчаган асабларингизга малҳам бўлади. Дид билан безатилган фитобар, рангли телевизор, сауна, катта 2 та сув ҳавзаси мавжуд. Асосий табиий даво омилларидан натрийли кучсиз ишқорли азотли сув. Ижевск курорти сувидан қолишмайди. Диагностика ва даволаш кабинетлари ишлаб турибди. Балиқли кўлининг балчиғи, гальваник балчиқ парафин озекерит кўринишида ишлатилади.

Булардан ташқари, Тошкент шаҳри, Бўстонлиқ туманининг диққатга сазовор жойларига сайрлар уюштирилиши, тез-тез ташкил қилинадиган маданий оммавий ишлар иштирокчиси бўлиш дилларни хушнуд қилади. Лариса Цой,. М.Холмирзаева, С.Раҳматова, Л.Джелилова, Д.Холматова, Н.Ҳожимтова каби шифокор ва ҳамширалар ўзларининг меҳр-оқибатлилиги, ширинсуханлиги даволанувчилар дардига малҳам бўлмоқда. Янги орттирган дўстларингиз билан чойхона супасида чойхўрлик қилиш руҳингизни тетиклаштиради. Хайрлашиш куни уруш қатнашчилари термизлик Исхак Гумарин, тошкентлик Евгений Логода ва қорақалпоғистонлик меҳнат фахрийси Собир Қурбонов сиҳатгоҳнинг мусаффо ҳавоси жуда ёққанлигини айтиб, уларни бепул йўлланма билан таъминлаганларга миннатдорчиликларини изҳор қилдилар. Санаторий бош шифокори Ирода Набиева бизни илиқ кутиб олди. Бир пиёла чой баҳона дилдан суҳбатлашдик. Жумладан, баъзи бир фикр-мулоҳазаларни ҳам айтдик. Бош шифокорининг айтишича, Республика касаба уюшмалари Федерацияси 1-корпусни таъмирлаш учун 300 миллион сўм ажратади. Яқин орада таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Ер остидан маъданли сув қазиб чиқазиш учун қудуқ кавлаш режалаштирилган. Қисқаси, ушбу маскан даволанувчиларга энг қулай шарт-шароитлар яратиб бериш борасида ибратли ишларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Бинобарин, республикамизнинг турли бурчакларидан бу ерга ташриф буюрувчилар сони камаймаётгани сабаби ҳам ана шундан бўлса ажаб эмас.

**Қодир НОРИМОВ,**
**меҳнат фахрийси.**
**Тошкент шаҳри.**

*Касаба уюшмалари: у қандай бўлиши керак?*

# ҲИСОБ РАҚАМИДА
## атиги 69 тийин

***«Дардоқ» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси Қўрғонтепа туманидаги йирик ташкилотлардан бири. Унинг атрофига 11 та цех ташкилотлари уюшган бўлиб, касаба уюшма аъзолари 2155 нафар кишини ташкил қилади. Жамоа шартномаси асосида янги ходимларни моддий рағбатлантириш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш ва бошқа ишлар яхши йўлга қўйилган.***

Ўтган йили соф фойданинг 4,5 миллион сўми дивидент сифатида пайчиларга тақсимланган эди. Жорий йилда пахта заводларига 3204 тонна «оқ олтин» сотилиб, шартнома режаси 113,88 фоиздан ошириб бажарилди. Пахтачиликнинг ўзидан 90 миллион сўмдан зиёд даромад олинди.

Жамоа шартномасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини кўпайтириш, оилавий пудратга кенг йўл очиш, шу йўл билан фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтириш алоҳида таъкидланган.

Шу кунларда хўжаликда 230 та оилавий пудратчилар фаолият кўрсатмоқда. Уларга 1846 гектар ер шартнома асосида бўлиб берилди. Ғаллакор пудратчиларнинг ютуқлари қувонарли. Улар гектарига салкам 70 центнердан хирмон яратишиб, шартнома мажбуриятларини ортиғи билан уддалашди.

Рағбат ҳам шунга яраша бўлди. Мулкдорларга иш ҳақига қўшимча қилиб 51 тонна буғдой бепул берилди. Айниқса, аҳолини соғломлаштириш яхши йўлга қўйилган. Жорий йилда 30 нафар ишчи хўжалик ҳисобидан марказий сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклаб қайтдилар. «Пахтаой» оромгоҳида эса меҳнаткашларнинг 100 нафарга яқин фарзандлари бепул ҳордиқ чиқаришди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, қишлоқ ёшларининг ижтимоий ҳимоясига эътибор кучайтирилган. 10 нафарга яқин қишлоқ ёшлари олий ва ўрта билим даргоҳларида хўжалик маблағи ҳисобига таълим олишмоқда. Шу кунларда далада ишлаётган механизаторлар, теримчиларга бир маҳалдан бепул иссиқ овқат берилмоқда.

Таассуфки, хўжаликда ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, 22 нафар ишчи меҳнат қилаётган марказий таъмирлаш устахонасида аҳвол аянчли. Мотор таъмирлаш цехида борйўғи 2 нафар ишчини учратдик. Бу ерда ташландик темир-терсакдан бошқа бирорта ҳам дастгоҳ йўқ. Шу боис ҳамма иш қўлда бажарилаётир.

Устахона ҳовлиси шоли қуритадиган хирмонга айлантирилган. Тупроққа қоришиб, ташландиқ ҳолда ётган «Магнум» ва бошқа ҳайдов тракторларининг ишчи қисмлари сочилиб ётибди. Техника таъмирланадиган айвонларнинг на эшиги ва на деразаси бор. Эрта-индин даладан бўшаган трактор ва бошқа транспорт воситалари бундай аҳволда қаерда созланади. Ахир, қишли, қировли кунлар эшик қоқиб турибди.

Устахона мудири Мирзоҳид Отахоновдан бунинг сабабини сўраймиз. Унинг тушунтиришича, иш бошлаганига энди икки-уч кун бўлибди. Аммо шу муддат ичида нима иш қилинди, деган саволимизга жавоб бўлмади.

Дам олиш хонасида телевизордан бошқа ҳеч вақо йўқ. Газеталар тахлами ва бадиий, сиёсий адабиётлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бир замонлар шу хўжаликда ташкил қилинган ҳаммомнинг аҳволи ачинарли ҳолга келиб қолган. Ювиниш хонаси қоп-қоронғи, жумраклар ишламайди. Чунки сувнинг ўзи йўқ.

Устахона мудири бизга «техника хавфсизлиги» хонаси, деб таништирган бинонинг деразасидан мўралаймиз. Чунки эшигида каттакон қулф осилган эди. Дарчадан девордаги ранги ўчган икки-уч плакат, чанг босган стол, стуллардан бошқа ҳеч вақо кўринмади.

Касабақўм раиси Абдураҳим Нуралиевни учратиб суҳбатга тортмоқчи бўлдик. Марказий таъмирлаш устахона мудири каби унинг ҳам ишга киришганига атиги 3 ой бўлибди. Шу вақт ичида, бирор марта ҳам марказий устахонага бош суқмаганлигини тан олди. Айтишича, пахтачилик бригадаларининг бирига вакил қилинган эмиш.

Ютуқлар соясидаги нуқсонлар бугина эмас, Жамоа шартномасига қўмитанинг молиявий-хўжалик интизомини мустаҳкамлаш бўйича махсус бандлар киритилган. Аммо бу тадбирлар қоғозда қолаётир. Хўжаликнинг бошланғич Касаба уюшма қўмитаси жорий йилнинг 1 октябригача аъзолик бадалидан 2 миллион 700 минг сўм қарздор эканлиги маълум бўлди.

Кўриниб турибдики, жамоа шартномасидаги ушбу бандлар ижроси назорати бутунлай ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Ташкилот бош ҳисобчиси Туробиддин Собировнинг гувоҳлик беришича, касабақўм ҳисоб рақамида атиги 69 тийин бор эмиш.

Шундай экан, жамоа шартномасида кўзда тутилган спорт-соғломлаштириш, маданий-маърифий, бошқа хайрия тадбирларини ўтказиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бундан 3-4 йил илгари қишлоқ спорт ишқибозлари билан доим гавжум футбол ўйингоҳи шу кунларда қаровсиз ҳолда ўт—ўланлар босиб ётибди. Илгарилари доғи республикага кетган мухташам маданият саройи эндиликда хувуллаб қолган.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Болалар спорти*

# ЖИСМОНИЙ СОҒЛОМ, РУҲИЙ ЕТУК

**Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни кафолатлади.**

Амударё туманида ёшлар қалбида спортга меҳр уйғотиш, уларни ҳар томонлама баркамол кишилар қилиб вояга етказиш борасида ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Олис овулларда, қишлоқларда замонавий спорт мажмуалари бунёд этиш, уларни жиҳозлар билан таъминлаш туман ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотларининг доимий эътиборида. Кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли айниқса, миллий кураш, каратэ, дзю-до, футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика, шоҳмот-шашка сингари турлар ривожланиб бораяпти.

Қорақалпоғистонда нафақат эркаклар, балки хотин-қизлардан ҳам донгдор полвонлар етишиб чиққан. Манғитлик Феруза Ҳайитимбетовани мамлакатимизда яхши билишади. Республика миқёсидаги кўплаб мусобақаларда совриндор бўлган Феруза жорий йилда Жиззах шаҳрида ўтказилган кураш беллашувларида биринчи ўринни эгаллади. У бундан сал аввалроқ,аниқроғи икки йил муқаддам Россиянинг Твер шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирнинг кумуш медали билан тақдирланган эди. Англиянинг Бедфорд шаҳрида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов соврини учун уюштирилган мусобақада эса фахрли биринчи ўринни қўлга киритиб, олтин медал соҳибаси бўлди.

Яна бир иқтидорли спортчи Зулҳижжа Худоёрова ҳам бир қатор халқаро турнирларда белбоғли кураш бўйича муваффақиятли қатнашиб, юртимиз довруғини оламга ёйди. Шу билан бирга дзю-дочи Нурбек Худоёров, шоҳмотчи Раҳматжон Раҳимов, каратэчилар Насиба Абдуллаева, Сарвар Тожибоевлар ҳам нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар.

– Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда миллий кураш федерацияси билан ҳамкорликда болалар спортини ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилди, – дейди туман ҳокимининг ўринбосари А.Қўшаев. – 20 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз секция ва тўгаракларга жалб этилган. Айни кунларда ҳокимлик ва касаба уюшмалари кенгашининг ишчи гуруҳлари тумандаги хўжаликлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда, мактаблар ва ўрта махсус ўқув юртларида бўлиб, спорт иншоотларининг ҳолати, жиҳозланишини, мураббийлар ва разрядли спортчилар тайёрлашнинг аҳволини ўрганиб чиқмоқдалар.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



**Кўҳна ва навқирон Шаҳрисабз шукуҳи**

Ш.СУЛТОН олган суратлар.

## ЛАТВИЯ САНЪАТИ ТИМСОЛИ

Тошкентдаги замонавий санъат марказида латвиялик мусаввир Людмила Гринбергнинг шахсий кўргазмаси очилди.

- Менинг чизганларим, бор-йўғи табиат гўзаллигининг акси. Мен бу манзараларни тўлақонли кўрсатишга ҳаракат қиламан, лекин унинг барча гўзалликларини ҳам очиб бериш имкони йўқ, - деди Людмила Гринберг. - Ушбу кўргазмани «Ер ҳам осмондагидек мусаффо бўлсин», деб номладим.

Кўргазмада рассомнинг пейзаж, портрет ва натюмортлари намойиш этилмоқда. Асарлар мойбўёқ, акрил, акварел бўёқларда яратилган.

Людмила Гринберг ижодининг асосини ипакдан тикилган суратлар, шарф, кўйлаклар ташкил этади. Барча ашёлар такрорланмаслиги ва оригиналлиги билан ажралиб туради.

Латвия республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Игорс Апокинс кўргазма очилиш маросимида сўзга чиқиб, Людмила Гринберг ижоди мамлакатимизда ва чет элларда 25 марта ўтказилган шахсий ва бошқа кўргазмалардан жой олди, - дея таъкидлади. - Унинг асарлари Россия, Швеция, Германия, Дания, Исроил, АҚШ, Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи давлатлари музейларида ва шахсий кўргазмаларда сақланмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

**Тошкент давлат юридик институти ҳузурида инсон ҳуқуқлари бўйича клиника - талабалар маркази очилди. Мазкур марказ АҚШ Давлат департаментининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича бошқармаси тақдим этган грант асосида Марказий Европа ва Евроосиё ҳуқуқий ташаббус лойиҳаси ҳамда Тошкент давлат юридик институти ҳамкорлигида ташкил этилди.**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАР МАРКАЗИ

*Марказий Осиёда ўхшаши йўқ бўлган ушбу талабалар марказини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ёшларга инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий ҳимоя кўникмаларидан сабоқ беришдир. Ўз навбатида, талабалар Ўзбекистон фуқароларига инсон ҳуқуқлари бўйича бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатади. Шунингдек, институтнинг юқори босқич талабалари профессор-ўқитувчилар ҳамда малакали ҳуқуқшунослар кузатуви остида аҳолининг кам таъминланган қатламига инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар беради. Ушбу муассаса клиника талабалари ва мижозлари манфаатини ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.*

*Бу йил институтнинг 17 нафар талабаси клиника ўқув дастурлари бўйича сабоқ олади. Улар биринчи семестр давридаёқ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий андозалардаги тренингларда иштирок этади ва келгуси йил феврал ойидан бошлаб эҳтиёжманд фуқароларга инсон ҳуқуқлари бўйича маслаҳатлар бера бошлайди.*

*Марказнинг очилиш маросимида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А.Саидов, АҚШ Давлат котиби ўринбосари Л.Крейнер, АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж.Ҳёрбст иштирок этди.*

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Эътироф*

## АКСЕЛС ҒОЛИБЛАРИ

Бухорода АКСЕЛС - Америка халқаро таълим кенгаши танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ушбу минтақавий танловда Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги мактабларнинг инглиз тили ўқитувчилари иштирок этди.

Умумтаълим мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий АКСЕЛС танловидан мақсад инглиз тили мутахассислари ҳамда ўқувчиларнинг билим ва малакаларини оширишдан иборат.

Уч нафар бухоролик, икки нафар қашқадарёлик ва бир сурхондарёлик ўқитувчи танлов ғолиби деб топилди. Ғолиб муаллимлар компьютер, нусха кўчириш ускунаси, инглиз тилидаги ноёб адабиётлар билан тақдирланди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида АКСЕЛС нинг Ўзбекистондаги директори Эрик Жакоб ва бошқалар сўзга чиқиб, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ришталари кучайиб бораётгани ва бу жараёнда АКСЕЛСнинг ўрни ҳақида фикр билдирди.

## УЛАРГА ДУБЛИНДА ҲАМ ТАН БЕРИШДИ

*Бухоролик истеъдодли боксчи Суҳроб Раҳматовнинг медаллари яна биттага кўпайди. У яқинда Ирландия пойтахти Дублинда армиячилар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 71 килограмм вазн тоифасида рингга чиқиб, кумуш медал соҳиби бўлди.*

*Чемпионатда турли вазн тоифасида мамлакатимиздан 12 спортчи қатнашди. Улардан уч нафари медалларга сазовар бўлди. Шуниси эътиборлики, медал соҳибларининг барчаси бухоролик спортчилардир. Суҳробнинг дўстлари - Жамол Иброҳимов (60 кг.) ва Акмал Аслонов (91 кг.) мусобақа шоҳсупасининг учинчи поғонасидан жой олди.*

## ЭКОЛОГИЯ ҲОЛАТИГА ДОИР

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги буюртмаси бўйича бир неча китоб ва ўқув қўлланмасини босиб чиқарди. Хусусан, «Экология бўйича очерклар» деган тўплам ўқитувчи-педагогларга яхши совға бўлди. Унда экологик танг ҳолга келган ҳудудларни қайта тиклаш, сув камчилигининг олдини олиш каби муаммоларга қаратилган мақолалар ҳам бор.

Орол денгизининг экологик ҳолатига доир материаллар, айниқса, қизиқарли баён этилган. Ушбу китобни босмага тайёрлашда «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик компаниясининг ёрдами катта бўлди.

## МАҲАЛЛА ПОЛВОНЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Олмаликда ўзбек кураши бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнирининг вилоят босқичи якунланди. Мусобақада 134 нафар ёш полвон турли вазн тоифасида бел олишди. Ғолиб ва совриндорларга мусобақа ташкилотчилари - «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Вилоят босқичи ғолибларидан 24 нафари шу йилнинг ноябри охирларида Тошкентдаги «Жар» спорт мажмуида ўтказиладиган якуний турнирда иштирок этади.

- Миллий курашнинг маҳалла ёшлари ўртасидаги ўрни катта. Унга кейинги вақтларда қизиқиш ҳам ортиб бормоқда, - дейди Юқоричирчиқ тумани «Маҳалла» жамғармаси раиси Райхона Тўрақулова. - Шу боис ўзаро мусобақалар ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Ўсиб келаётган ёш авлод шу орқали чиниқади, бўш вақтини мазмунли ўтказади. Вақти келиб, мамлакатимиз шарафини ҳам муносиб ҳимоя қилади. Туманимиздаги иккита Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 250 дан зиёд бола миллий кураш билан шуғулланаётгани ҳам шундан далолат. Уларга олтита мураббий кураш сирларини ўргатмоқда.

Президентимиз Фармонига биноан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилиши, табиийки, маҳалла боллалари ўртасида ҳам спортнинг турли кўринишлари янада равнақ топишига хизмат қилади.

**Хотира ҳақидаги дастлабки илмий қарашлар юнон файласуфи Арасту ва Шарқ мутафаккири Форобий асарларида баён этилган. XVI аср ўрталарида олим Андрес Везалий ўзининг узоқ илмий изланишлари асосида одамнинг фикрлаш ва хотиралаши бош мия фаолиятига чамбарчас боғлиқлигини исботлаган. Ибн Сино асарларида ҳам хотиранинг бош мия фаолиятига мансуб эканлиги ҳақидаги қайдлар кўп учрайди.**

# ХОТИРА
## узоқ умр гарови

Хотиранинг чуқурлиги билан кишининг истеъдоди ўртасида доимо ўзаро мутаносиблик мавжуд. Бунга кўплаб мисоллар бор. Буюк ватандошимиз Мирзо Улуғбек ўзи тузган жадвалларни хотирасида яхши сақлаган. Кунлардан бирида йўқолган жадвални қайта тузишга тўғри келган. Кейин асл нусхаси топилгач, солиштирилганда, ундаги рақамлар деярли бир хилда эканлиги маълум бўлган.

Машҳур композитор Сергей Рахманинов бир маротаба эшитган фортопиано учун яратилган куйни тўлиқ эслаб қолиб, маълум вақтдан сўнг ўша куйни бемалол чала олган.

Жаҳон чемпиони Александр Алёхин ҳам ноёб фазилат соҳиби бўлган. У ўзи ўйнаган ҳамма шоҳмот партияларини хотирасида сақлаб қолган. XX асрнинг атоқли физикларидан бири Энрико Ферми бир марта ўқиган китобини умр бўйи эсдан чиқармаган ва уни қайта қўлига олмаган.

Инсон миясининг имкониятига келсак, у олимларнинг айтишига қараганда - чегараланган бир вақтда 8 та ўнлик белгини, 7 та аралаш берилган ҳарфларни, 4-5 та сонни ва 5 та маънодош сўзларни хотирада сақлаб қола оларкан.

Аммо ҳаётда заиф хотирали машҳур кишилар ҳам бўлган. Масалан, Вальтер Скотт қариган чоғида унинг ўзи яратган достонни ўқиб беришганида, шоир ҳайрон бўлган ва «Бу ажойиб асар муаллифи ким экан» деб сўраган. Ёзувчи Достоевский эса «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» романининг бош қаҳрамонлари номини ҳам унутган. «Ботаниклар отаси» Карл Минней ўз асарига ҳавас билан боқар экан, «Қандай яхши китоблар-а, қани энди шуларни мен ёзган бўлсам?» деб орзу қилган.

Атрофимизда хотираси кучли инсонлар жуда кўп. Уларнинг воқеа, далилларни ёдда сақлашига кўпинча қойил қоламиз. Аммо бу имкониятлар ўзимизда ҳам борлигини унутамиз. Бунинг учун хотирамизни машқ қилдириб, унинг имкониятларини кенгайтиришимиз лозим.

Маълумки, бош мия она қорнида яхши ривожланиши билан бир қаторда бола туғилгандан сўнг ташқи муҳит билан яхши муносабатда бўлса, кўп касал бўлмай, соғ-саломат ўсиб борса, тўғри тарбия олса ақли, зеҳни, фаҳм-фаросати, хотираси расо бўлиб етишади. Бола қобилиятли бўлиши учун уни туғилган кундан бошлаб тўғри тарбия қилиш, ўсиб бораётган даврда ундаги айрим етишмовчиликларнинг олдини олиш мумкин.

Хотира ўзгариши, пасайиши ёки бузилишидан сақланиш учун бош мия фаолиятининг бирон қисми ёки «нуқтаси» зарарланиш ва жароҳатланишидан эҳтиёт бўлиши лозим. Олимларнинг фикрича, инсон хотираси унинг қариллиги билан боғлиқлиги ўта нисбийдир. Бу пасайишнинг кучайишига ўзимиз сабабчи бўламиз, яъни биз жисмонан кам қувватлашиб, миямизни ҳам кам ишлатамиз. Бу эса мия ялқовлигига, паришонхотирликка ва ниҳоят хотира пасайишига олиб келади. Жисмонан меҳнатга талаб қилинган куч мияни, хотирани ишлатишни талаб қилмайди. Фарангистон олимларининг илмий изланишлари натижаларига қараганда, инсон мияси ва унинг қобилияти ёмонлашишининг энг асосий сабабларидан бири дангасалик, ақлий меҳнатдан қочиш экан. Ҳа, айнан ақлий меҳнат дангасалиги олдин паришонхотирликка, кейинчалик эса хотиранинг ёмонлашишига олиб келади. Паришонхотирлик-диққатнинг беқарорлиги, бошқа нарсаларга чалғишидан иборат психик (руҳий) ҳолат. Унинг биринчи белгиси, бу эътиборсизлик, меҳнат дангасалиги. Бирон бир нарсани топмаслик уни қаерга қўяётгандаги эътиборсизликдандир. Қидирганда ҳам диққатни бир жойга қўймай қидиришдандир.

Спиртли ичимликлар, тамаки ва нос организмга ўзининг заҳарли таъсири туфайли эмас, балки одам хотирасининг эрта сусайишига ва фикрлаш қобилиятининг пасайишига олиб келиши билан ҳам киши умрини қисқартиради. Зеро, ичиш ва чекиш фақат кишининг бир ўзигагина эмас, балки атрофдагиларга ҳам анчагина зиён келтиради.

Бош миянинг пўстлоқ қаватида 14 миллиарддан зиёдроқ асаб ҳужайралари ва юз минг миллиард ҳужайралараро алоқалар мавжуддирки, бу инсоннинг ақлий ва маънавий дунёси, қобилиятини белгилайди. Олимларнинг фикрича, бош мия ўзига тушган ахборотларни инсон ақли бовар қилмайдиган даражада тезлик билан таҳлил эта олади, зудлик билан хулоса чиқара олади.

Шундай қилиб, хотира бош миянинг олий фаолиятига мансуб бўлиб, у одамнинг яшаш жараёнида шаклланади ҳамда қобилиятига ва асаб тизимининг мустаҳкамлигига кўра ривожланади. Бинобарин, асабни асраш керак, чунки асаб ҳужайралари қайта тикланмаслиги, янгидан ҳосил бўлмаслиги фанда аниқланган.

Шундай ҳолга тушиб қолмаслик учун вақтида овқатланиб, яхши дам олинг, кўпроқ тоза ҳавода сайр қилинг.

Кўп аччиқ чой, кофе, спиртли ичимликлар ичманг, ҳаяжонланиб, шошиб ва зўриқиб иш қилманг, кўпроқ витаминларга, микроэлементларга бой таомларни, маҳсулотларни истеъмол қилиб туринг.

Атмосфера босими пасайган вақтда кишилар хотираси пасайишини унутманг. Хушбўй ҳид (гул, ўсимликлар) хотирани жуда яққол ва ҳаётий тарзда тикловчи энг яхши восита эканлигини эсда сақланг.

Гўштни суткасига бир марта истеъмол қилинг.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**
**доцент.**

*Биласизми?*

## ИЛК ХАРИТАВИЙ ТАСВИР

Қадимги Юнон олими Эратосфен маълумотига кўра, ернинг илк харитавий тасвирини милоддан илгари 610-546 йилларда яшаган файласуф Анаксимандр яратган.

Олим Парменид милоддан аввалги V асрдаёқ Ер шарсимон шаклда бўлса керак, деган фаразни айтган. Бу фикрни ўз даврида буюк мутафаккир Аристотел илмий далиллар билан исботлади.

Дастлаб унинг шогирди Дикчарх, кейинчалик Эратосфен Ер айланаси узунлигини ҳисоблаб чиқдилар. Эратосфен биринчи бўлиб харитага градус турларини (меридиан ва параллел) туширди.

Олим Гимпарх эса милоддан илгари II асрда географик иншоотларнинг аниқ ҳудудий жойланишини кўрсатиш учун фанга географик кенглик ва жўғрофий узунлик тушунчаларини киритди.

Юнон олими Апаллоний дастлабки картографик, яъни ер юзасини текисликда тасвирлаш усулини ихтиро қилди.

Жўғрофий хариталарнинг яратилишига II асрнинг биринчи ярмида юнон олими Птоломей катта ҳисса қўшди.

У географик хариталарнинг математик асос элементларини ёритиб берди, 90 дан ортиқ харита тузди ва шу тариқа бизгача етиб келган жўғрофий хариталарнинг энг биринчи тизими тўпламини яратди.

«Жаҳон адабиёти» журнали ижодий жамоаси таҳририят ходими Дилдорхон Алиевага волидаи муҳтарамаси

**ҲОЖАРХОН АЯ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ISHONCH**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.50

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

*Тиражи: 9161* Буюртма Г— 1019. 1 2 3 4 5 6